


Абдурауф БАХМАЛИЙ

МУНТАЗИРМАН



АБДУРАУФ БАХМАЛИЙ

МУНТАЗИРМАН

Шеърлар

Тошкент
“Muharrir nashriyoti”
2018

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)6

Б-36

Бахмалий, Абдурауф

Мунтазирман: [Матн] шеърлар / А.Бахмалий. – Тошкент: Muharrir nashriyoti. 2018. – 64 б.

ISBN 978-9943-5075-9-3

Абдурауф Бахмалийнинг “Чўлқуварлар достони”, “Бахмалим боғим менинг”, “Қалб эшиги калити”, “Эзгулик тахти соҳиблари”, “Суюклигим” ва “Сардоба сардорлари” публицистик асарларида ҳам шеърин мисралар асар ғоясига ҳамоҳанг эди. Адиб кексалик давридаги ибодат йўлларида ҳам бадиий воситалар билан ёндашган ва Сизга тақдим этаётган маърифий-назмий тухфасини “Мунтазирман” деб атабди. У ўз шеърлари билан Мустақил Ватани хизматида қандай тайёр турган бўлса, мустақам исломий эътиқодда бўлган ота-болари йўлидан юриб, динимиз кўрсатмаларига ҳам мунтазир эканлигини эътироф этмоқда.

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)6

Масъул муҳаррир:

Абдул Жалил ХЎЖАМ,

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Тақризчи:

Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ,

филология фанлари номзоди, Хожа Аҳмад Яссавий мукофоти совриндори

ISBN 978-9943-5075-9-3

© А.Бахмалий,

© “Muharrir nashriyoti”,

Тошкент, 2018.

БАТАН РАВНАҚИ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

2017 йилнинг 19 сентябрь куни БМТ Бош ассамблеяси 72-сессиясида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг жадал ривожланётганини сўзлар экан, «аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантираётгани»ни баён қилди. Сессияда Орол фожеаси масаласида махсус Дастур, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция ҳамда икки махсус резолюцияни ишлаб чиқиш бўйича Президентимиз билдирган таклифларни жаҳон аҳли ижобий эътироф этди. “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли махсус резолюцияни қабул қилиш таклифи бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эътиқод эркинлигини таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка қаратилгани туфайли жаҳон халқларининг қўллаб-қувватлашига сабаб бўлди.

Бу резолюция Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндалари – улуғ боболаримизнинг ислом олами ва жаҳон илм-фан, маданияти тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссаларига ҳамоҳангдир.

Мамлакатимизда бунёд этилаётган қатор илмий тадқиқот марказлари, Тошкентда қурилаётган Ислом цивилизацияси маркази фаолияти ҳам илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшиши шубҳасиз. Уларнинг диний-миллий қадриятларимизга муштарак эканлиги, ёшларимиз тарбияси учун зарур-

лиги, бизларга мерос қолган ибратли анъаналар, истикболда ҳам ҳаётий дастур бўлиб бораётгани кексаларга, маҳалла нуронийларига улкан масъулият юклайди. Чунки биз – ҳозирги авлоднинг кекса кишилари бўлганимиз учун ҳам ўтган аجدодларимизга, алломаларимизга, маърифатпарварларимизга яқин турамиз. Демак, аждодларнинг ўгитига амал қилиб, мамлакатимизнинг янги қиёфасини яратиш учун йўл бошлаш ва назорат қилиб бориш биз нуронийларнинг зиммамиздадир.

Муҳтарам Президентимиз Марказий Осиё мамлакатларида тинчлик, дўстлик, ҳамкорликни таъминлаш саъй-ҳаракатларини ва бу дўстлик, қадриятлар руҳини жаҳон миқёсида тараннум этиб, БМТ минбарида туриб сўзлаётган бир пайтда, Тошкентда “Дўстлик” истироҳат боғлари, “Дўстлик” кошоналари иш бошлади. «Ҳаракатлар стратегияси»даги беш устувор йўналиш бўйича барча соҳаларда қарорлар қабул қилиниб, янги ва қутлуғ қадам – буюк ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Худудлардаги бунёдкорлик қурилишлари Мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантира бошлади. 2018 йилнинг «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилингани тараққиётимиз йўлида асосий восита бўлди. Ҳаётимиз фаровонлигини таъминлашга, турмуш маданиятининг янада юксалишига даҳлдор ислоҳотлар жадал давом этмоқда. Маърифат ва диний бағрикенглик мавзуидаги шеърлардан иборат ушбу китобча Бахмалий бобонгизнинг мана шу бунёдкорликларга бағишлаган дуо ва тилақларидир.

Муаллиф

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

(2017 йил 27 августда «Дўстлик» истироҳат
боғининг очилиш маросимида ўқиб берилди)

Халқимизда бор ҳикмат:

Чўпоннинг таёғидан, яхшининг оёғидан...

Қатъи назар ёшидан, бўлар бола бошидан.

Сероблик Яратганнинг мурувват кўёшидан,

Имконият конига, Яшнабод туманига,

Қадам кўйди Юртбошимиз кексаларнинг ёнига.

Тадбиркорнинг журъати, сармойадор муруввати,

Халқ билан очиқ мулоқот инсонлар манфаати.

Ҳақиқат сўз доясидир, муҳтожлар ҳимоясидир,

Ҳаракатлар стратегияси – Юртбошимиз

ғоясидир.

Беш устувор йўналиш, ҳеч ҳам йўқ унинг ками,

Минг шукрки, қутлуғ келди Президент қадами!

Замонага яраша, янги боғча – кошона,

Боғча опа, мураббийлар, ҳамширага бор хона.

Арзон уйлар муҳташам, “Дўстлик боғи”

серҳашам,

Турфа гуллар, дарахтлар – безаклари беқасам.

Одам гавжум кундузлар, оқшом ёнар юлдузлар,

Йигитлар дилин ёқиб, гурунг қилар бўй қизлар.

Мезбонлар маърузаси, чархпалак сув-кўзаси...

Кўнгилочар бу боғда дунёнинг етти мўъжизаси.

Атроф ям-яшил ўтлоқ, Қорасув шаффоф булоқ,

Анҳор икки ёнидан йўл қурилди қўшалоқ.

Қурувчилар кўли гулдир, дард кўрмасин сира ҳам,

“Тушимми ё ўнгимми, ё жаннатми чинакам?”

Беш устувор йўналиш – адолатнинг ҳаками,

Минг шукр, қутлуғ келди, Президент қадами.

Маърифат завқли жуда, «Ислом ота» масжидида,
Яхши амал айтилар, амру маъруф авжида.
Арзон уй баракаси – яшашга жуда сози,
Юксак маррага етди тадбиркорлар парвози.
Барака дони тушди “Рисовий” нинг дўлига,
Баланд бино ярашди “Фарғонанинг йўли” га.
Чирчиқ дарёсин кўринг, хонадон гулзорин кўринг,
Тўкин-сочинлик рамзи – Кўйлиқ бозорин кўринг.
“Имзо” яратди макон, “Артель” ҳам деярли кон,
Излаганлар ҳамиша топа олади имкон.
Беш устивор йўналиш – тараққиёт ҳамдами,
Минг шукр, қутлуғдир Президент қадами!

ОНА ЮРТГА ЖОНИНГ БАХШ ЭТ

Мустақилдир Ватан, ўғлим,
Эрк тонгида чўлпон бўл!
Ўзга юртда султон бўлма,
Ўз юртингда чўпон бўл!
Ҳар мушкулнинг ечимин топ,
Кексаларга дармон бўл,
Истиқлолни мустаҳкам эт,
Ўз халқингга сарбон бўл!
Бу гўзал юрт зафарларин
Мадҳ эт, тили бийрон бўл.
Буғдой эккин, ғўза ўстир,
Саховатли деҳқон бўл.
Ғанимларинг қадам босса,
Мард Широқдек қалқон бўл!
Кўз нуриддек асра элинг,
Ватанингга посбон бўл!
Ёвдан сира қўрқмагин,
Жасоратли инсон бўл!
Эл-юртингга жонинг бахш эт,
Ватанингга қурбон бўл!

ДИЛБАР ВАТАНИМ

Одам Ато зуваласи ийланган тупроқ,
Менга азиз киндик қоним тўкилган тупроқ,
Ҳалол-покдир ризқу рўзим етилган тупроқ,
Зиёратгоҳ – аждодларим қўйилган тупроқ,
Шу тупроқ, шу сув, ҳаво – сарвар Ватаним!
Оёғим турган манзил дилбар Ватаним!

Ҳовли-жойни, қир-адирни безаган гуллар,
Бунда обод шаҳру дала, ўзлашган чўллар.
Шаҳру қишлоқ безатилган, яйрайди диллар,
Водийларда кеча-кундуз сайрар булбуллар.
Шу тупроқ, шу сув, ҳаво – сарвар Ватаним!
Суви Замзам, шифо, замини зар Ватаним!

Халқимнинг асли беку амиру сарбон келур,
Саховатли бу юртга орзиқиб меҳмон келур,
Бағрикенгга омон-омон – тинч замон келур,
Кўрмаганлар армон қилур, кўп армон қилур!
Шу тупроқ, шу сув, ҳаво – сарвар Ватаним!
Бағри кенг, фаҳримсан мўътабар Ватаним!

Тадбиркор қиз-йигитлар сира тиним билмас,
Иш билан банд, ҳар нафас улар бекор турмас,
Юрт кўркам, ободдир, даҳр аҳли қилар ҳавас,
Беллашувда уларга кела олмайсиз бас!
Шу тупроқ, шу сув, ҳаво – сарвар Ватаним!
Боғ-роғларга бурканган, дилбар Ватаним!

ҲУМОСАН

Қанотларинг ёзсанг агар, мисли қуёш ёнасан,
Ватанимда бахт рамзи – афсонавий Ҳумосан.

Гербимиз меҳварида қанотларинг кенг ёйиб,
Истиқлол байроғини ҳилпиратган сабосан.

Сен оҳиста қўндинг-ку орзулар чўққисига,
Ҳеч бир ғаним қўл етмас – юксакликда самосан.

Хурриятни орзу қилган аجدодларинг руҳисан,
Асрлар қатидаги нуру ҳикмат, маъносан.

Ўзбегимга, халқимга, ер юзига бахт келтир,
Етти осмон ошённинг, қамрови кенг – маъвосан.

Тавсиф этолсам агар таърифингни келтириб,
Юрт аҳлини жаннатга йўллагувчи дуосан.

Қанотларинг ёй эркин, гербимизга жилосан.
Ватанимда бахт рамзи – афсонавий Ҳумосан.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/3722> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3722> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/3722>